

**АРАБ ҲАРФЛАРИДАГИ НУҚТАЛАРНИНГ МАЪНО ФАРҚЛАШДАГИ
АҲАМИЯТИ****Файзиева Феруза Кудратиллаевна***Янги аср университети, Мумтоз шарқ филологияси, 4-босқич талабаси.**Feruz2227@gmail.com +998971712228*

Аннотация: Ушбу мақолада араб алифбоси таркибига кирувчи нуқталарнинг сўзларда маъноларни фарқлашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Мумтоз адабиётимиз қўлёзма намуналарини таҳлил қилиш жараёнида ушбу нуқталарни орттириш ёки ҳазф қилиш натижасида қўйилиши мумкин бўлган хато ва камчиликларни ёритиб ўтишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари нуқталар матнда грамматик жиҳатдан ташқари бадиийликка, ҳамда лафзий санъатнинг вужудга келишига ҳам хизмат қилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: араб алифбоси, жинсдош ҳарфлар, хаттотлар, котиблар, ажамлар, абжадий, ҳижоий, бежо нуқта, муфтий, тасҳиф, тажнис санъати, “ғайр-и лафзий тажнис”, “тажнис-и хаттий”.

Abstract: This article discusses the significance of diacritical dots (*i'jām*) in the Arabic script for distinguishing meanings in words. By analyzing classical literature manuscript samples, the study aims to highlight potential errors and ambiguities (*tashif*) that may arise from the addition or omission of these dots by scribes. Furthermore, the paper provides information on how these dots contribute not only to grammatical accuracy but also to the text's artistic merit, specifically aiding in the creation of verbal figures of speech, such as *paronomasia* (*tajnis*).

Keywords: Arabic alphabet, homographic letters, calligraphers, scribes, Ajam (non-Arab), abjad (numerical order), *hijā'ī* (alphabetic order), misplaced dot, *mufti*, *tashif* (textual corruption), *tajnis* (*paronomasia/pun*), visual pun (*ghayr-i lafzī tajnīs*), graphic pun (*tajnīs-i khattī*).

Аннотация: В данной статье рассматривается значение диакритических точек (иг'джам) арабского алфавита для смысловой дифференциации слов. На основе анализа рукописных образцов классической литературы предпринята попытка осветить потенциальные ошибки и неточности (тасхиф), которые могут возникать вследствие добавления или опущения этих точек. Кроме того, представлены сведения о том, как эти точки способствуют не только грамматической правильности, но и художественной выразительности текста, в

частности, созданию фигур словесного искусства, таких как парономазия (таджнис).

Ключевые слова: Арабский алфавит, омографические буквы, каллиграфы, переписчики, аджам (неарабы), абджад (числовой порядок), хиджаий (алфавитный порядок), лишняя/неправильная точка, муфтий, тасхиф (искажение текста), таджнис (парономазия/игра слов), графический таджнис (гайр-и лафзий таджнис), каллиграфический таджнис (таджнис-и хаттий).

Мумтоз адабиётимиз намуналари ҳисобланган аксарият қўлёмалар асоси араб алифбосидан ташкил топгандир. Араб алифбоси таркибига кирувчи нуқталар сўз фасохати ва жумлалардаги маъноларни англашимиз учун керакли омиллардан биридир. Ушбу нуқталар ёрдамида маълум бир товушни ифода этиш билан биргаликда жинсдош ҳарфларга ўзгартириш киритиш орқали янги ҳарфларни ташкил этиш ҳам мумкин бўлган. Баъзида нуқта мураккаб жумбоқнинг оддий кўринишдаги ечими ҳам бўла олиши мумкин.

Айрим хаттотлар ўз даврида қўлёмаларда ҳарфларнинг нуқталарини умуман қўймасдан ёзиб кетганлар. Бу эса китобхондан топқирлик, зукколик ва катта билимдонликни талаб этади. Бунга жавобан хаттотлар тилида қадимдан бир нақл юради: “Оқилон пайи нуқат мараванд”. Бунинг маъноси: Оқил кишилар учун ўқиш жараёнида нуқта қўйилган-қўйилмаганининг аҳамияти йўқ.¹⁷² Лекин бу қарашлар замонлар орасидаги бир халқ тили ва ёзуви хусусиятларининг ўзгаришлари натижасида вужудга келувчи тафовутларга тўғри келмаслиги мумкин. Ўтмишимиз билан бизни боғлаб турувчи ёзувимизнинг шакли умуман бошқа бир шаклга айлантирилиши самараси ўлароқ ҳозирда биз ҳам худди ана шундай муаммога дуч келмоқдамиз. Узоқ ўтмишдан хабар берувчи бу матнларни махсус ҳаракатларисиз англай олиш ҳозирги давр зиёлилари учун баланд чўққига айлангандек назаримизда. Қўлёмаларни кирилл алифбосига ўгириб, уларни тадқиқ қилишга уриниш эса бу чўққига олиб борувчи йўлнинг янада узоқлашишига олиб келмоқда. Чунки нуқталар кирилл алифбосига эмас, араб алифбосига тегишлидир. Бу эса ўз навбатида сўз фасохатидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган ғалазликларни ёки матнда кўзда тутилаётган маъноларни англай олишимиз учун жуда катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Араб алифбосидаги барча ҳарфлар асосан, ўн еттита белги асосида шаклланган. Шуларнинг ўнта шаклидан нуқталар қўймаслик, нуқталарни қўйиш, ҳамда нуқталарнинг ўрни ва сонини ўзгартириш йўли билан бошқа ҳарфларни ҳосил қилишда фойдаланилади. Илк Ислом даврида (VII аср) араб ёзуви нуқта, ҳаракат ва

¹⁷² Раҳимбой Жуманиёзов. Эски ўзбек ёзуви. Мустақил ўрганувчилар учун. Тошкент “Ўқитувчи” 1989 –Б.163.

хамзаларсиз ёзилган. Бу ҳолат ўша давр араб халқи учун қийинчилик туғдирмаган. Зеро, улар шу тилнинг аҳли бўлишган. Шу тилда эркин гаплашишган ва бемалол ўқишган. Исломнинг кенг тарқалиши туфайли ажамлар Исломга киргач, араблар билан аралашиб кетиши оқибатида араб ёзувидаги ҳарфларни нотўғри талаффуз қилиш ҳолатлари юзага келган. Шунда инсонлар бирдек тўғри ўқиши учун олимлар шаклдош ҳарфларни бир биридан ажратиш мақсадида нуқталар қўйишга киришишди. Араб тилида абжадий (ёзиладиган) ҳарфлар сони 28 та, ҳижойй (ўқиладиган) ҳарфлар сони эса 29 та бўлиб, уларни Имом Наср ибн Осим Лайсий (в. 90 х.) ёзувидаги ўхшашлигига кўра тартиблаган. Ўзаро ўхшаш ҳарфларни ажратиш учун улар усти ё остига нуқта қўйган.¹⁷³

Кўриб турганимиздек, нуқталар араб алифбосининг ажралмас бир қисмига айланиб, сўзларни тўғри ўқиш ва улардаги маълум бир маъноларни ёритиш учун хизмат қилиб келмоқда. Бу жиҳат араб алифбосининг кенгаювчанлик хусусиятини янада оширади. Араб давлатлари томонидан фатҳ этилган форс ва туркий халқлар араб хатини ўзлаштириш жараёнида ўз тилларида мавжуд бўлган бир неча товушларнинг ҳарфларини бу алифбодан топа олмайдилар.¹⁷⁴ Бу товушларни ифода этмоқ учун улар мазкур алифбодаги тўртта ҳарфларга қўшимча равишда нуқталар ҳамда чизиқча қўйиш орқали эришадилар. Шундай қилиб форсий ва туркий тилларда ишлатиладиган алифбонинг ҳарфлари 32 тага етади. Мана шу алифбо барча туркий халқлар орасида кенг тарқалиб, асрлар давомида илм ва адабиёт тараққиётига хизмат қилиб келмоқда.

Туркий халқларнинг буюк мутафаккири Ҳазрат Алишер Навоий ўзларининг “Маҳбуб ул-қулуб” асарларида “шоирлар сўзи билан варақларни безовчи” котиблар зикрига алоҳида тўхталиб ўтиб, “Агар хат сурати чиройли бўлмаса, аҳли маъни кишилар бундан ташвишга тушадилар. Хужжат бўлсаю, хатоси кўп бўлса, қўли фалаж бўлгани яхшидир. Кимки бежо нуқта билан “ҳабиб”ни “ҳабис” ёзса ёки “муҳаббат”ни “меҳнат” қилиб ёзса, ундай фалокатга юз лаънат. Хати ёмон бўлгани устига беҳисоб хатоларга ҳам йўл қўйса, худди соқолини бўяб, масхара бўлган қари киши кабидир”¹⁷⁵ дея нуқталар билан боғлиқ бўлган камчиликларни қаттиқ танқид остига олганлар.

¹⁷³ Айман Рушдий. Қуръон ўрганиш қоидалари (Расмлар билан ёритилган). Т.: “Book Media Shop” МЧЖ қошидаги “Munir” нашриёти, 2022й. – Б.38.

¹⁷⁴ Тўхтамурод Зуфаров. Хат таълими (хуснихат қоидалари). Т.: “Omad nishona nur biznes” нашриёти, 2023. – Б.19.

¹⁷⁵ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалбга маҳбуб ҳикमतлар ва ҳикоятлар). – Тошкент: “Cano-standart”, 2018. – Б.33.

Кўриб турганимиздек арабча “хабиб” (حبيب) – севикли, дўст маъносидаги сўзнинг “ح” ва “ب” ҳарфлари тепасига нуқта орттириш натижасида “хабис”(حبيبث) ёмон, ярамас, разил маънодаги сўзни ҳосил қилиш мумкин экан. Сўзда бир нуқтанинг орттирилиши ёкида ҳазф қилиниши сўзнинг маъносини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлиги ҳақида Ҳазрат “Ҳайрат-ул аброр” достонида қалам аҳллари васфига бағишланган ўн иккинчи мақолатларида ҳам ўзига хос сўз ўйини тарзида ишора бериб ўтганлар.

Кийдурубон журға хур кишватин,

Ҳарна хашан бўлса, ҳасан хилъатин.

Насрий баёни: “Жаннат ҳурларига у очкўзлик кийимини кийдиради; нимаики “хашан”(хунук) бўлса: уни “ҳасан” (чиройли) деб ёзиб, гўзаллаштиради”.¹⁷⁶

Гап ҳийлагарликни ўзига касб қилиб олган муфтийлар¹⁷⁷ ҳақида бормоқда. Навоий ҳазратлари уларнинг ўй-фикри ҳийла ва макрдан иборатлигини, кўнгилларида қандай эгри ниятларини ўйлаган бўлсалар, бу уларнинг ёзган фатволарида ҳам тўғри кўриниб туришига мисол тарзида “хашан” (а. حشن) хунук, кўпол маъносидаги сўзнинг қарама-қарши чиройли, гўзал маъносини англатувчи “ҳасан” (а. حسن) сўзига нуқталарнинг тушириб қолдирилиши эвазига эришиш мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар. Демак, нуқталар билан боғлиқ бўлган жиҳатлар ҳар даврда матнларда камчиликларни атайин ёкида беҳосдан вужудга келтиришга туртки булиши мумкин экан.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, нуқталар матнда грамматик жиҳатдан ташқари бадийликка, ҳамда турли хил лафзий санъатларни вужудга келтиришга ҳам хизмат қилади. Албатта, ҳар жавҳаларда гўзалликка интилувчи Инсон сўз жавҳарига ҳам ҳар тарафлама жило беришга ҳаракат қилади ва бу орқали сўз соҳасида турли хил бадий санъатларни юзага келишига сабабчи бўлади. Сўзларнинг таъсирли ифодасида бадий санъатларнинг ўрни катта. Араб алифбосидаги нуқталар билан боғлиқ бўлган матндаги сўз ўйинлари ҳам ўзига хос бадий санъатларни юзага келтиришини эътиборга олиб, лафзий санъатлар мақомига кирувчи “Китобат санъати”нинг бир кўриниши деб ҳисобласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Шайх Аҳмад Тарозий (XIV аср охири – XV аср 1-ярми) ўзининг “Фунуну-л-балоға” асаридаги “Ал-фаннус-солис фис-саноеъи-ш-шеър” (учинчи фан шеъринг санъатлар ҳақида) бобида нуқтали ҳарфларга таалуқли бўлган “Ат-тасҳиф” бадий санъатни эътироф этиш мақсадида ушбу мисрани келтириб:

Менинг ҳолимни кўрдунгмуки, ғам бирла мувофиқтур.

¹⁷⁶ Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Азиз Қаюмов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – Б.341.

¹⁷⁷ Муфтий а. مفتي фатво берувчи, шариат ҳукмини баён этувчи

“Бу санъат ул бўлурким, бир лафзининг нуқтасин тақдим¹⁷⁸ ва таҳзир¹⁷⁹ қилса, ўзга маъно ҳосил бўлур, нетокким, “хол”нинг устига нуқта бўлса, “хол” бўлур ва “ғам”нинг нуқтасин кеторса “аъм” бўлур” деган изоҳни қолдирганлар.¹⁸⁰ Бу орқали адиб бир нуқтани орттириш ёкида тушириш орқали сўзнинг бутун бир маъноси ўзгариб кетиши мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар.

“Хол” (حال) сўзи араб тилида кайфият, хусусият, вақт, пайт ва замонни билдиради. Агарда унинг бош ҳарфига нуқта орттирилса унда у “хол” (خال) га айланиб, киши танасидаги қора нуқта, доғ маъносини англатиши мумкин бўлади. Худди шундай кейинги арабий қайғуда эзилган маъносини билдирувчи “ғам” (غم) сўзнинг бош ҳарфидан нуқтани тушириб қолдириш эвазига “аъм” (عم) “унга салом бўлсин!” иборасининг қисқартмаси юзага келади.

Атоуллоҳ Хусайний ҳам бу санъат тури ҳақида ўзларининг “Бадойиъу-с-санойиъ” (санъат янгиликлари) асарларида тажнис санъати турларидан бўлган “ғайр-и лафзий тажнис” сўз санъати ичида тўлиқроқ маълумотлар келтириб ўтганлар. Бунга кўра “ғайр-и лафзий тажнис” санъати уч турининг аввалигисини “тажнис-и хаттий” дея атаб, “ани музораъа, мушокала ва тасҳиф ҳам дерлар”¹⁸¹ дея эътироф этганлар. Изоҳ давомида: “Бу талаффузда турлича лафзларнинг ёзувда бир-бирига ўхшаш бўлмоғидур, андоқким (байт): Қавий гашт дурус ба дийдор-и шоҳ./ Чунон сиёҳу чунон сипоҳ” кўринишидаги мисолни келтириб ўтганлар. Форс тилига тегишли бўлган “сиёҳ” (سيه) ҳамда “сипоҳ” (سپاه) сўзлари бир нуқтанинг орттирилиши ҳисобига маъно жиҳатлама умуман ўзгариб кетиши ушбу лафзий санъат иштирокидаги байтда яққол намоён бўлган.

Бундан ташқари арабийят аҳлининг баъзилари тажнис-и хаттийга икки шаклдош ҳарф ёзма шаклда эгизаклардек ўхшаш бўлганлиги учун “мутъим” (итъом- луғатда бир қориндин икки фарзанднинг туғилиши маъносида) деб номланганлиги қайд этганлар.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки, араб алифбоси таркибидаги шаклдош ҳарфлар нуқталар эвазига таркиби ўзгариб, жинсдош бўла олмайди. Шуни эътиборга оладиган бўлсак, нуқталар билан боғлиқ бўлган лафзий санъатни тажнис

¹⁷⁸ **Тақдим** تقديم a. 1. Бир нарсани бирор кимсага бериш; 2. Бир кимсани бошқа кимса билан таништириш.

¹⁷⁹ **Таҳзир** تحذير a. 1. Қочириш, четлаштириш, ҳазар қилдириш; 2. Қўрқитиш.

¹⁸⁰ Ҳамидулла Болтабоев. Шарқмумтоз поэтикаси манбалари. 1-китоб; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазириги, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти, Тошкент дав. Шарқшунослик ин-ти. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.256.

¹⁸¹ Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ: (Аруз вазни ва бадий воситалар ҳақида) Форс. А.Рустамов тарж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б.48.

санъати сифатида эмас, китобат, яъни арабий ҳарфлар иштирокидаги санъат турига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Раҳимбой Жуманиёзов. Эски ўзбек ёзуви. Мустақил ўрганувчилар учун. Тошкент “Ўқитувчи” 1989 -276 бет.
2. Айман Рушдий. Қуръон ўрганиш қоидалари (Расмлар билан ёритилган). Т.: “Book Media Shop” МЧЖ қошидаги “Munir” нашриёти, 2022й. – 240 б.
3. Масъудали Ҳакимжон. Хатти Муъаллимий. Араб ёзувининг вужудга келиши ва турлари. Т.: “Меҳнат” 1991 й. 64 б.
4. Тўхтамурод Зуфаров. Хат таълими (хуснихат қоидалари). Т.: “Omad nishona nur biznes” нашриёти, 2023. – 284 б.
5. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб (Қалбга маҳбуб ҳикматлар ва ҳикоятлар). – Тошкент: “Сано-standart”, 2018. – 192 бет.
6. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Тўплаб нашрга тайёрловчи: Азиз Қаюмов. – Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. – 392 б.